



“Al-Bawaaba”нинг хабар килишича, Якин Шаркнинг халол махсулотлар ишлаб чиқарувчи йирик компанияларидан бўлмиш “Al-Halal Foods” (“Халол озиқ-овқатлар”, БАА) Россия ва МДХ бозорларига очилади. Яқинда мазкур компания вакиллари БАА тижорий иқтисодий делегацияси таркибида Россия ҳамда Озарбайжонга ташриф буюрган эди. Сафар натижасида компания бошлиги Солих Абдуллох Лутах собиқ иттифок худудларида мазкур соҳадаги яхшигина ишларни амалга ошириш мумкинлига тўхталиб ўтди.

“Бу ерда 289 миллион нафар киши истикомат қилади, деди у. – Уларнинг кўпчилиги, ҳоҳ мусулмон бўлсин, ҳоҳ гайри дин бўлсин, барчалари халол таомларнинг соғлом турмуш тарзи учун керакли эканини биладилар ва кизикадилар. Россиянинг ўзида мусулмонлар тахминан 20 фоизни ташкил этади. Бу дегани – тахминан 40 миллион одам дегани. Шунинг билан биргаликда, халол стандартларга мос келадиган махсулотлар бу давлатнинг ўзида йилига 65 миллион тоннани ташкил қилади. Бу махсулотлар асосан чорвадор ва фермерлар томонидан, ёхуд кичик хажмларда гўшти кайта ишлаш билан шугулланувчи корхоналар томонидан етказилиб турилади”.

Солих Абдуллох Лутах шуни ҳам илова қилдики:

Мазкур компаниянинг Россия ва МДХ давлатлари бозорига чиқиши режалари “БАА мамлакатининг Жаҳон Ислом иқтисоди марказига айланиши” лойиҳасига ҳам тўлиқ мос келади.

Энг ожиз банда таржимаси